



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 6 октябрь, № 194 (4857)

Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН — УММОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.



Уммон Султонининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Давлат мадхиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Уммон Султон Қобус бин Саид фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислон Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрлик. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислон конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очди. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун минтақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгайди.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба орттирган. Нефть-газ, нефть қимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиб бормоқда. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, аммо мамлакатларимиз имкониятлари эришилган натижалардан анча кенг. 2008 йилнинг декабрь ойида қатор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодий, савдо, sanoat, меҳнат, транспорт ва коммуникация-

лар, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идораларида ҳамда Марказий банкда учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Уммон вакиллари алоҳида эътибор қаратган жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Расмий Маскат Ўзбекистон ғалласи ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш таклифини илгари сурди. Шунингдек, Уммоннинг Давлат бош захира ва Сармов жамғармалари билан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асносида Уммон Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг ўттиздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банклари вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликка оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Маскат банки ҳамда Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2009 йил март ойида эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусий-лаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳужжатларро битимлар, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармовий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси бизнесини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланган эди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки қўним топган қадамжолари Уммон аҳлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам кўплаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз миқозларига тақлиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ислон Каримов ва Қобус бин Саид муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ўз элчионаларини очиб хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳужжатларро битимлар, шунингдек, нефть-газ, қимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармов каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармовий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Маскат шаҳридаги Султон Қобус Масжиди ва Уммон Куроли Қучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунига етди.

Тошкентда 29-30 сентябрь кунлари “Сийсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва “Минтақавий мулоқот” нодавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Форумда Беларусь, Буюк Британия, Хиндистон, Жанубий Корея, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Украина, Чехия, Япония ва халқаро ташкилотлардан экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг иқтисодий сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органига сайловларда сиёсий партиялар иштирокни кенгайтириш орқали сайлов жараёнида демократияни таъминлашда қатор мамлакатлар тажрибасини муҳокама этди.

Хорижий экспертлар ўз чиқишларида истиқлол йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизими, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилгани, демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловлар қонунчилиги базаси, фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди. Унинг рўёбга чиқарилиши ва янада ривожлантирилиши мамлакатимизда кўп партияли тизимни амалда мустаҳкамлаш, демократик ижтимо-

ий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда партиялар ролини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

Йонсей университети профессори Сангу Ко (Жанубий Корея): “Давра суҳбати давомида турли партиялар вакиллари ўртасидаги қизгин баҳсларнинг гувоҳи бўлдим. Бу — партиялар аъзоларининг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз сиёсий қарашларини нечоғли аниқ белгилаши ва илгари суришидан далолат. Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар дастурлари хилма-хиллиги билан бир-бирдан ажралиб туришни кўрдик. Зеро, демократиянинг талаби ҳам шундай”.

ЕХХТнинг Грузиядаги миссиясининг иккинчи турмуш даражасини баҳолаш бўйича бошқармачиси бошлиги Инкери Ларино-Левонинг сўзларига кўра, “Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисида қатор қонунларнинг қабул қилингани мамлакат тўғрисида бораётганидан далолатдор. Ёш ва мустакил давлатнинг томонидан электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш, аҳолининг сайлов кампанияси, сайлов қонунчилиги ҳақида хабардорлик даражасини юксалтиришда жамоат институтлари ролини кучайтиришга доир кўрилатган чоратadbилан демократик ривожланишнинг муҳим таркибий қисмларидандир. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Бугунги давра суҳбати каби тадбирларнинг ўтказилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадамлар ва у мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни чуқур англаш имконини беради”.

(Давони 2-бетда).

ШАРҚҚА МАФТУНЛИК

Францияда нашр этиладиган “Le Figaro” газетасининг навбатдаги сонида “Ўзбекистон: Амир Темур изидан” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Дунё нигоҳи

Таъкидлаш жоизки, “Le Figaro” мамлакатдаги “Le Monde”, “Liberation” ва “Ouest-France” каби тўртта энг йирик ҳафталик газеталари қаторига қиради. Унда ички ва ташқи сиёсат, маданият, спорт масалаларига доир мақолалар ёритилди. Газета кенг укувчилар оmmasига мўлжалланган бўлиб, бир неча юз минглаб нусхада чоп этилади.

Мақола муаллифи, журналист Жан-Луи Трёмблэ ўзининг Ўзбекистонга амалга оширган сафарига чоғида олган таассуротлари билан ўртоқлашган. Мақолада сураткаш Томас Госко томонидан олинган фотосуратлардан кенг фойдаланилган бўлиб, уларда Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий-меъморий ёдгорликлари ва унинг аҳолиси вакиллари акс эттирилган.

(Давони 4-бетда).

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2009 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2009 йил 9 ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири бартараф этиш борасида қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг ижроси, 2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, инвестиция ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастур-

лари доирасида амалга оширилатган лойиҳалар ижроси, Миллий телерадиокомпания тизимида юқори технологияли ускуналардан фойдаланиш самардорлигини янада ошириш, Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлашни

тақомиллаштириш ҳамда ижро интими-ни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати таҳлили, яратилган ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва электрон ҳужжат алмасуви жорий этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

(Давони 2-бетда).

Наманган шаҳрида замонавий меъморчилик талаблари асосида қад ростлаган “Соф савдо” супермаркети фойдаланишга топширилди.

САВДО МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Президентимиз Ислон Каримов шу йил Наманган вилоятига ташрифи чоғида Наманган шаҳри архитектура қиёфасини замонавий шаҳарсозлик тамойилларига мувофиқ янада яхшилаш, шаҳар инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада зарур йўл-йўриқ ва тавсиялар берган эди.


(Давони 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида
Реклама бозорида пасайиш

"The Financial Times" нашрининг ёзишича, жорий йилда реклама учун сарфланган маблағлар миқдори ўтган йилдагига қараганда 9,8 фоизга камайган.

Поезд изидан чиқиб кетди

Таиланд жанубидаги Хуахин шаҳрида темир йўл ҳалокати юз берди. "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, йўловчи поездеи ўз изидан чиқиб кетган.



Таиланд жанубидаги Хуахин шаҳрида темир йўл ҳалокати юз берди.

Миллиардерлар спортчи

Таниқли гольфчи Тайгер Вудс дунёда биринчи бўлиб бир миллиард АҚШ доллари ишлаган спортчи сифатида ном қозонди.

Ҳиндистонда сув тошқинлари

Ҳиндистонда юз берган сув тошқинлари мамлакат аҳолиси учун қатор нуқсонликлари келтириб чиқарди. Табиий офат икки юз кишини ҳаётдан олиб кетган.

XXI асрнинг яхши асарлари

АҚШда чоп этиладиган "The Millions" номли адабиёт журнали XXI асрнинг энг яхши 20 та асари рўйхатини эълон қилди.

Ҳарбийлар қароргоҳига ҳужум

Афғонистонда НАТО тинчликпарвар кучларига қарши қароргоҳга ҳужум уюштирилди. Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакатнинг Нуристон музофоти яқинидаги иккита блокпост номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган.

ҚАРИЯЛАР ҚАЛБИ ҚАРИМАС

Фарғона вилоятида 400 минг нафардан зиёд фахрий истиқомат қилади. Уларнинг пенсияда бўлишига қарамай, азму шижоат билан меҳнат қилаётганлиги вилоят ёшлари учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, "Кексалик — бекорчилик эмас" маънавий-маърифий тадбири шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, кекса-ю ёшни фаоллик ундаётганлиги билан фойдали бўлмоқда.

ми раҳбари Усмонжон Бегматов. — Ҳозирда бу далада кетмони қўлидан тушмаган, тракторни маҳорат билан бошқаришга қодир фахрийларимиз ишлашмоқда. Натижада уларнинг ўзи ҳам,

ланган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. У велосипедда Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларимизга саёбат уюштириб туради. Бундан ташқари, велосипедда доволон охиб, тез-тез Тошкентга бориб-келишни қанда қилмайди.

Интилиш

"Фахрийлар мададкори" бирлашмаси ҳам фойда кўрмоқда. Бирлашма ҳисоб рақамидagi маблағ 9 миллион сўмдан ошганлиги бунинг тасдиғидир.

Фарғоналик отахонлар нафақат меҳнатда, балки жасорат ва шижоатда ҳам ўзларини кўрсатишмоқда.

Мисол учун, бағдодлик Жумабой Мирзаевни қўпчилик "Дерсу Узала" деб ҳазил қилишади. Бунинг боиси бор. Ёши 80 дан ошган отахон водий вилоятларидаги барча қадамжоларни пайда кезиб, зиёрат қилишга одат-

Шунингдек, Бағдод туманидаги Чўли Рўзи кишлоқлик Қўчқорбой ота ҳам ўзига хос фазилатга эга. У Бағдод, Олтинкўл, Янгиқўрган бозорларида пайда бориб-келишни "умр фойдаси" деб билади. Улармалик Мелиқўзи Зиёев эса ҳамон кишлоқ аҳлига газета-журнал тарқатиши билан шугулланиб келмоқда.

Қисқаси, тиниб-тинчимас, ғайратли, шижоатли отахонлар вилоятда жуда кўп. Уларнинг ибратли савй-ҳаракати ҳар биримизни янги излашни ва интилишлар сари бошла-са, ажаб эмас.

Небижон СОБИРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Бухоро вилоятида кўпгаб шундай корхоналар, муқобил машина трактор паркларига фаолияти тубдан яхшилانган фермер хўжалиқларининг барқарор ишлашини таъминлаётди.

Бугунги кунда бу ерда юз нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Айниқса, замонавий "Кей" ва

ларимиз ҳар тарафлама қулай мослама яратишди, — дея сўзини давом эттирди А. Шайдоёв. — Ушбу мос-



ФЕРМЕРЛАРГА ХАМКОР ВА МАДАДКОР

"Вобкент МТП" акциядорлик жамияти шулардан бирidir. Бу жамоа туман деҳқонларига 13 йилдан бери намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

"Магнум" русумли кишлоқ хўжалиги техникалари туман деҳқонларининг оғирини енгил қилиш баробарида корхонанинг моддий саноҳиятини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётди.

лама камхаржлиги, тезкорлиги жиҳатидан алоҳида аҳралиб туради. Тизимда шу каби замонавий ускуна ва техникалардан кенг фойдаланилгани босис жорий йилнинг биринчи ярмида 23 млн. 581 минг сўм фойда олишга эришидик.

ОБИДА КЎЗ ОЧДИ

Мустақиллик шарофати билан Хивадаги "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонасига қарашли Кутлуг Мурод Иноқ мадрасаси қайта кўз очди.

Advertisement for IIB (Ўзбекистон Республикаси ИИВ) regarding land and gas plots. Includes contact information and details about land parcels.

Advertisement for CSP (ПП «SHIRSHIK SHANXAY PLAST») for producing high-pressure polyethylene pipes. Includes technical specifications and contact info.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Кишлоқ тараққоти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ибратли ишларни амалга ошираётир.

"Мобиль телефонлар — ярим нархида"

Жумладан, республикамиз ҳудудларидаги 72 та аналог кишлоқ телефон станциялари реконструкция қилиниб, мавжуд икхтимоий муассасалар тўла телефонлаштирилиши кўзда тутилган.

Қулайлик

гайтириш" лойиҳаси доирасида республикамиз шимолӣ ҳудудларида қўшимча равишда 20 та база станцияси ишга туширилди.

К. МУЛЛАБОВ.

- List of government tenders and auctions with details on dates, locations, and items for sale.

Хизмат

қўшимча даромад билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси уларок, 15 киши билан касаначилик асосида меҳнат шартномаси имзоланди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

2009 йил аспирантурага кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади: Кундузги бўлимга: 07.00.09. Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари — 4 ўрин;


ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР: САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ

Advertisement for Hyundai Sonata car. Features the car image and text: "SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. КАФОЛАТ — 2 йил."

Advertisement for CHIRSHIK SHANXAY PLAST pipes. Text: "ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм для газа, питьевой воды и канализации."

Advertisement for CHIRSHIK HEATING SYSTEMS. Text: "ООО «CHIRSHIK HEATING SYSTEMS» ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ЧОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, суюқ ва қаттиқ Максусот сертификатланган."



катта қисми буюк саркарда ва бунёдкор Амир Темури даврида барпо этилган.

Мамлакатнинг фарби — Хива томон йўл олдиқ. Ҳақиқий саёҳат шу ердан бошланади. Шаҳар қадимги карвон йўли ўтган қудуқ атрофида вужудга келган. Баландлиги саккиз, эни олти метрлик мустаҳкам, нотекис деворлар билан ўралган Хива бугун очик осмон остидаги музей ҳисобланади. Шаҳар 1997 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерослари рўйхатида киритилган. Хиванинг собиқ савдо раста-

да саккиз соат босиб ўтилади-ган йўл ажратиб туради. Бир вақтлар туялар карвониди ушбу масофа бир неча кунда босиб ўтилган. Маҳобатли Бухоро шаҳри Қизилқум чўли ва Амударё ўртасида жойлашган. Муқаддас Бухоро ўзида ўрта аср ислом меъморий ёдгорликлари жамланган шаҳар сифатида гавдаланади. Бу ерда мураккаб нақшлар, миниатюралар ва мадрасалардаги ажиб чизгилардан завқланиш ва мушоҳада юритиш истагидагиларни кўплаб учратиш мумкин. Қулай географик жой-

қанд Искандар Мақдуний қўшинларининг юришларига гувоҳ бўлган. Бу ерни Марко Поло ҳайрат билан тасвирлагани беҳиз эмас. Самарқанд Амир Темурининг Волга дарёсидан то Дехлигача чўзилган кенг салтанатининг пойтахти ҳисобланган. Саркарда ва бунёдкор ўз пойтахтини дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди.

Амир Темурининг невараси, шоир ва астроном Мирзо Улуғбек XV асрда "Қутб юлдузининг қудрати" (Амир Темурининг васфларидан бири) учун мақбара барпо этди. Ақик, мармар, нефрит, ганч ва зарҳалли сталактит билан ишлов берилган ҳашаматли Гўри Амир мақбараси бугунги кунда зиёратгоҳ маскан ҳисобланади.

Ю ртимизда Истиклол йилларида театр санъати ривожига катта эътибор қаратилаётганлиги босиб миллият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи ушбу санъат тури маданий ҳаётимиздан тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Шу маънода, Республика Ёш томошабинлар театри ҳам навқирон авлоднинг эзгу қадриятлар руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган нуфузли даргоҳлардан бири. Бугун мазкур театр жамоаси ёш авлоднинг маънавий дунёқарошини юксалтиришга хизмат қиладиган янгидан-янги спектакллари саҳналаштирмоқда.

Театр



ЁШ ТОМОШАБИНАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

— Икки ўғлимни ёнимга олиб бу ерга тез-тез келиб тураман, — дейди Нафиса Иноғомова. — Қасбим руҳшунос бўлганлиги бола бол тарбиясида рисоладагидек маданий ҳордиқ олиншинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмасликка ҳаракат қиламан. Менимча, бола феъл-атворида эзгулик, меҳр-оқибат, юксак маънавий фазилатларни қарор топтириш истагидаги ҳар бир ота-она унда ёшлардан томошабинлик маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилиши, санъат орқали фарзанди қалбиди эзгуликка интилиш ҳиссини қучайтириш бормоғи лозим. Шунга яраша ижодкорларимиз ҳам ёш ҳалқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Мирали Шариповнинг

кейинги ўринларни вакилларимиз ҳамда корейликлар банд этишди. Юртдошларимизнинг бу галабаси қалбимизга гурур бағишлаб, хурсандчилик наҳидасини сураётган бир пайтимизда Латвиянинг Рига шаҳрида дэю-дэю бўйича уюштирилган «Golden score» халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Мирали Шариповнинг олтин медални қўлга киритиши қўшалок шодиёна бўлди. 66 килограмм вазнда баҳс олиб борган Мирали финалда мезбонлар вакили Денис Козловни мағлубиятга учратиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади.

Маълумки, ўтган ойнанинг сўнги ҳафталарида Германиянинг Оберхоф шаҳрида ёзи биатлон бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли мусобақада ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Руслан Носиров катталар ўртасида битта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган бўлса, Анузар Юнусов смирлар бешлашувда битта олтин ва битта бронза медалига сазовор бўлди. Музаффар спортчиларимиз Ташкент халқаро аэропортида кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тантана билан қутиб олинди.

Ҳафта давомида спортчиларимиз эришган яна бир муваффақият мамлакатимиз спортни дорувини оламга ёйди. Эроннинг Техрон шаҳри мезбонлик қилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича катталар ўртасида XIII, ёшлар ўртасида эса VII Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари тўққизта олтин, ўн та кумуш ва саккизта бронза медалини қўлга киритишди.

Бу спортимиз ҳаётида сўнги бир неча кун мобайнида юз берган воқеалар, ҳолос. Хали олдинда қатор мусобақалар бор экан, ютуқлар салмоғи бундан сира кам бўлмаслиги ишончимиз қомил. Эеро, спортга меҳр қўйган, унга давлат миқёсида эътибор қаратган юрт учун бу каби муваффақиятлар ҳаммиса ёнма-ёнди.

Шавкат ОРИҚОВ.

ШАРҚҚА МАФТУНЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистонга самолётда келаятган хорижлик киши ушбу мамлакатни ўзи учун илк бор ҳаво кемасининг дарчаси орқали кашф этди, — деб ёзди Жан-Луи Тремблэ. — Денгизга чиқиб йўлига эга бўлмаган мазкур қадимий мамлакатнинг географик жойлашуви ва бутун ҳаёти икки дарё — Амударё ва Сирдарё билан чамбарчас боғланган. Қадимда ушбу ерлар дарёларнинг юнон-лотин тилидаги айтилиши билан Трансоксания — икки дарё ўртасида жойлашган ерлар деб аталган. «Сиз пойтахтга, Марказий Осиёнинг йирик мегаполиси,

замонавий, шарқий, шу билан бирга, европалашган шаҳар — Ташкентга яқинлашиб келмоқдасиз. Ўзбекистон пойтахтининг эски шаҳар қисмида жойлашган «Чорсу» бозорига бориш вақти келди. Қайноқ қозонни эслатадиган ушбу шовқинли бозор хорижликлар учун Ипак йўли билан учрашув завқини ҳис этиш имкониятини беради. Бу ердан Фарғона водийсининг мазали мевалари, хушбўй зирворлар, ранг-баранг миллий матоларни сотиб олиш мумкин».

«Хива, Бухоро, Самарқанд — Буюк Ипак йўлининг уч қисми... Ушбу шаҳарларда Марказий Осиёнинг аскарят дурдоналари жойлашган бўлиб, уларнинг

лари атрофида, асосан, хорижлик сайёҳларни кўриш мумкин. Бу ерда уларга хилма-хил миллий эсдалик совғалари ва гилалар таклиф этилмоқда. Хивадаги меъморий ёдгорликларнинг ички безаги сайёҳларни кундалик турмуш ташвишларидан қалчиб, «Минг бир кеча» эртаги муҳитига олиб қиради. Қалтаминор, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума масжид мажмуи ва Исмоилхон минораси каби аjoyиб тарихий обидалар одамни лол қолдиради. Унча катта бўлмаган мафтункор Хива шаҳри хорижлик сайёҳнинг хотирасида мустаҳкам ва узоқ сақланиб қолади», дея таърифлайди журналист.

«Бухорони Хивадан машина-

лашувга эга бўлган Бухоро доим қизгин савдо маркази бўлиб келган. Бунга XVI асрда барпо этилган, бугунги кунда кўплаб ёшлар никоҳ маросимида сурагга тушадиган усти ёпиқ савдо мажмуаси гувоҳлик беради».

Саёҳатимизнинг сўнги босқичи ҳайратланарли даражада гўзал Самарқандда ниҳоясига етади. Зангори-ҳаворангли сирланган гулдор сополлар ва қадама нақшлар билан безатилган мафтункор калейдоскоп, мовий ва феруза ранглар уйғун қолда ишлатилган ранг-баранг бурамали ва туганакли миноралар — буларнинг барчаси Самарқандга хос. Эрамиздан 750 йил аввал асос солинган Самар-

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ОҒУШИДА

Жисмоний тарбия, фаол ҳаракат тўлақонли ҳаётнинг негизини ташкил этади. Айниқса, ногирон инсонларнинг тиббий ва ижтимоий тиланлишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни алоҳида. Шу маънода, 2004 йилдан буён Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги «Мурувват» уйларида тарбияланаётган ногирон болалар ўртасида Паралимпия спорт уйлари ўтказиб келинаётганлиги диққатга сазовордир.

Анъанага айланган ушбу хайрият тадбирдан мақсад — қисмат ногиронликка маҳкум этган болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга тобора кенгрок жалб қилиш, уларни соғломлаштиришда спортнинг имкониятларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, Паралимпия мусобақаларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш жараёнида бу борада ижобий натижалар қўлга киритилди. Ўтган йиллар мобайнида ногирон ва руҳий хаста болалардан 12 нафари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб бориш натижасида реабилитацияга эришиб, тўлақонли ҳаётга қайтишлари ҳамда ўз оилалари бағрига қўшилиди. 32 нафар ногирон бола бошқаларнинг ёрдами-сиз, аста-секин ҳаракатлана бошладилар. 15 нафар бола ўзлари мустақил юра бошладилар. 55 нафар бола эса сувда сузишни ўргандилар.

Жисмоний тарбия ва спорт туфайли ногирон фарзандлар бугунга келиб ўз машқларидида катта ўсиш ва қувонарли натижаларга эришмоқдалар. Масалан, 2004 – 2008 йиллар мобайнида Ташкент шаҳридаги 1- ва 2-болалар «Мурувват» уйларида тарбияланувчилардан 30 нафардан кўпроғи Россия, Канада, Бельгия ва Туркия мамлакатларида ўтказилган Пара-

ўтган ҳафтада мамлакатимиз спорт ҳаётида барчамиз учун унутилмас воқеалар кўп бўлди. Хусусан, бокс бўйича Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган XV жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Президентимиз Фармонига мувофиқ, фахрий унвон ҳамда орденлар билан тақдирландилар. Ана шу юксак мукофотлар уларга тантанали равишда топширилди. Халқимиз боксчиларимизнинг улкан галабасини катта шодиёна сифатида нишонлаётган бир пайтда бошқа спорт турлари бўйича ҳам халқаро мусобақаларда қатнашган йигит-қизларимизнинг қўлга киритган зафари бугун юртимиз бўйлаб ёйилди.

ИНТИЛИШ, ИШОНЧ ВА ҒАЛАБА

Ватанимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятлари хорижликлар томонидан ҳам доимо эътироф этиб келина-япти. Узоққа бормайлик, масалан, 25 сентябрдан 1 октябрга қадар пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоғи мусобақасига мезбонлик қилди. Шунинг ўзиёқ фикримизнинг яққол тасдиғидир. Савол туғилади: қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасини ташкил этиш учун нега айнан Ўзбекистон танланди? Жавоб ҳам тайин: чуқки юртимиз ҳар қандай йирик спорт тадбирини юксак савияда уюштириш имкониятига эга. Қолаверса, мазкур спорт тури бўйича 2005 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё биринчилиги, 2006 йилда эса клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳам юқори даражада ўтказилгани хорижлик спорт мутасаддиларининг ишончига замин яратган.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Оғир атлетика федерацияси ҳамда Осиё оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган бу галги мусобақада вакилларимиз муносиб иштирок этишди. Жумладан, Махлиё Тоғаева, Нафиса Аскарва, Зилола Бўриева, Раҳима Каримова ва Елена Сисоева учтадан, Руслан Нуриддинов иккита олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Ғиёсиддин Аҳмедов, Расул Урозбоев, Элмурод Ёқубжонов сингари иқтидорларимиз кумуш медалларга эгаллик қилишган бўлса, Субҳон Қобилов, Алишер Абдуллаев ҳамда Бобомурод Чошимов бронза медаллари билан

тақдирландилар. Хотин-қизлар орасида эса Раҳима Матёқубова, Гулмира Эргашева, Манзура Мамасолиева кумуш, Нургул Султонмуродова эса бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Терма жамоамиз аъзолари даст ва ситтаб кўтариш ҳамда иккикураш натижаларига кўра, йигирмата олтин, йигирма бешта кумуш ва тўққизта бронза медални қўлга киритишди. Умум-жамоа ҳисобида, йигирма ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида қизларимиз шохсупанинг биринчи, хитойликлар иккинчи, Туркманистон

олтин медални қўлга киритиши қўшалок шодиёна бўлди. 66 килограмм вазнда баҳс олиб борган Мирали финалда мезбонлар вакили Денис Козловни мағлубиятга учратиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади.

Маълумки, ўтган ойнанинг сўнги ҳафталарида Германиянинг Оберхоф шаҳрида ёзи биатлон бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли мусобақада ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Руслан Носиров катталар ўртасида битта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган бўлса, Анузар Юнусов смирлар бешлашувда битта олтин ва битта бронза медалига сазовор бўлди. Музаффар спортчиларимиз Ташкент халқаро аэропортида кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тантана билан қутиб олинди.

Ҳафта давомида спортчиларимиз эришган яна бир муваффақият мамлакатимиз спортни дорувини оламга ёйди. Эроннинг Техрон шаҳри мезбонлик қилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича катталар ўртасида XIII, ёшлар ўртасида эса VII Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари тўққизта олтин, ўн та кумуш ва саккизта бронза медалини қўлга киритишди.



вакиллари эса учинчи поғонани банд этишди. Ўсмирлар орасида биринчи ва иккинчи ўринлар Эрон давлати клубларига насиб қилган бўлса, учинчи ўринни терма жамоамиз аъзолари эгаллашди.

Хотин-қизлар баҳсида юртдошларимиз биринчи, Индонезия вакиллари иккинчи, бангладешликлар эса учинчи бўлишди. Эркинқалар ўртасидаги мусобақада эркинқалар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди,

та олтин, ўн та кумуш ва саккизта бронза медални қўлга киритишди.

Бу спортимиз ҳаётида сўнги бир неча кун мобайнида юз берган воқеалар, ҳолос. Хали олдинда қатор мусобақалар бор экан, ютуқлар салмоғи бундан сира кам бўлмаслиги ишончимиз қомил. Эеро, спортга меҳр қўйган, унга давлат миқёсида эътибор қаратган юрт учун бу каби муваффақиятлар ҳаммиса ёнма-ёнди.

Миллий меросимиз эъзози

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Нақшбандия ва қомил инсон тарбияси» мавзуга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан уюштирилган мазкур тадбирда иштирок этган олим ва тадқиқотчилар, зиёлилар мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамоллигида миллий қадриятларимиз қадр топаётгани ҳамда улуг аллоҳларимизнинг бой маънавий мероси халқимизга қайтарилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Шунингдек, тадбирда таъкидланганидек, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳининг обод қадамжого айлантирилгани, у яратган таълимот илмий-амалий асосда чуқур ўрнакни яратганлиги маънавий меросимиз эъзоз топаётганидан далолатдир.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (6 октябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Ташкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Ташкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик қузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Ташкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 11-13, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нарха.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реџлама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳафаланди.

Т-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматова. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусасхадх — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 23.50 Тоширилди — 00.30

123 5